



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

10 (60) 2023

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
М.А. АБДУЛЛАЕВА
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
ХАСАНОВА Д.А.
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х.ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN
MUSLUMOV (Azerbaijan) Prof. Dr.
DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

10 (60)

2023

октябрь

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com E:
ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

Received: 10.09.2023, Accepted: 20.09.2023, Published: 10.10.2023.

УДК 796.07;796.034.2

ФЕРТИЛ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА КАСБИ ВА ЁШИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА СОМАТИК САЛОМАТЛИГИНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

Курызов А.К. <https://orcid.org/0009-0006-4561-2256>

Олимов С.Ш. <https://orcid.org/0000-0002-1142-6838>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Резюме

Турли ёшдаги аёллар стоматологик статусини аниқлаш, стоматологик саломатлигини баҳолаш, ушбу патологик ҳолатлар учраш даражасини аниқлаш асосида улар орасида стоматологик касалликлар тарқалганлиги, уларнинг асоратлари, даволаш ва профилактикасига янгича ёндошган ҳолда даволаш-профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Калит сўзлар: Фертил ёшдаги аёллар, соматик саломатлик, клиник ва профилактик.

РЕЗУЛЬТАТЫ ОЦЕНКИ СОМАТИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ ЖЕНЩИН ФЕРТИЛЬНОГО ВОЗРАСТА В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ИХ ПРОФЕССИИ И ВОЗРАСТА

Курызов А.К. <https://orcid.org/0009-0006-4561-2256>

Олимов С.Ш. <https://orcid.org/0000-0002-1142-6838>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г.

Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область, город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Резюме

На основе определения стоматологического статуса женщин разного возраста, оценки состояния зубов, определения степени встречаемости этих патологических состояний важно разработать лечебно-профилактические мероприятия и внедрить их на практике, с новым подходом к распространенности стоматологических заболеваний, их осложнениям, лечению и профилактике.

Ключевые слова: женщины фертильного возраста, соматическое здоровье, клинико-профилактические мероприятия.

THE RESULTS OF THE ASSESSMENT OF THE SOMATIC HEALTH OF WOMEN OF FERTILE AGE, DEPENDING ON THEIR PROFESSION AND AGE

Kuryazov A.K. <https://orcid.org/0009-0006-4561-2256>

Olimov S.Sh. <https://orcid.org/0000-0002-1142-6838>

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina Uzbekistan Bukhara, A.Navoi st. 1 Tel: +998(65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city, Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Resume

On the basis of determining the dental status of women of different ages, assessing the condition of teeth, determining the degree of occurrence of these pathological conditions, it is important to develop therapeutic and preventive measures and implement them in practice, with a new approach to the prevalence of dental diseases, their complications, treatment and prevention.

Keywords: women of fertile age, somatic health, clinical and preventive measures.



Долзарблиги

Фертил ёшдаги аёлларнинг турар жойига боғлиқ ҳолда қиёсий ўрганиш, уларга кўрсатилаётган стоматологик хизмат сифатини баҳолаш, ушбу мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қишлоқ шароитига мос аниқлаш муҳим бўлиб, клиник ва профилактик стоматология билан бир қаторда экологик стоматология йўналишини ривожлантириш долзарб муаммолардан биридир.

Тишлар кариеси ва парадонт касалликлари ер шари аҳолиси ўртасида кенг тарқалган. Охириги йилларда дунёнинг турли регионларида аҳоли ўртасида, тишлар кариеси ва парадонт касаллигининг ортиб бориши тўғрисида кўп етарли текширишлар ўтказилган [1.3.5.7.9.11]. Ушбу тадқиқотлар яққол амалий йўналишга эга бўлди. Соф ёзма ҳолатда секин-аста амалий аҳамиятга яъни стоматологик хизматни тақиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиётларда планетамиздаги аҳолининг стоматологик касалликлари билан шикастланганлик хусусиятини ёритувчи етарлича кўп миқдордаги маълумотлар келтирилган. Улар дунёнинг турли минтақаларидаги стоматологик касалликларнинг юқори частотасидан дарак беради [2.4.6].

Катта ёшли аҳоли орасидаги тишлар кариесининг тарқалганлиги жуда юқори даражада эканлиги аниқланган. Аниқланганки у ёш ўтган сари кўпайиб боради ва турли шаҳарларда турлича бўлади [8.10]. Муаллифлар томонидан шу нарса исботланганки, кариес билан шикастланиш интенсивлиги эркакларга қараганда аёлларда ифодаланганроқдир.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида тишлар кариеси билан шикастланганлик кўрсаткичларининг ичимлик сувида, тупроқда ва озик-овқат маҳсулотларидаги микроэлементларнинг таркибига боғлиқлиги ўрганилган [12.14].

Адабиётларда, шунингдек, стоматологик ва умумий касалланиш кўрсаткичлари орасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги ҳақида маълумотлар бор. Стоматологик касалликлар тарқалганлигининг ўлка ва тиббий географик хусусиятлари аниқланган. Чунончи, исботланганки жойнинг географик кенглиги ҳам шу ерда яшовчи аҳолининг тишлар кариеси билан кўрсаткичлари даражасига таъсир қилар экан: Шимолда (Европанинг шимолий қисми, шимолий Америкада) кариес билан касаланиш кўрсаткичлари юқори бўлса, Жанубий-Шарққа (Африканинг тропик ва экваториал зонасида, Жанубий-Шарқий Осиёнинг экваториал зонасида ва Тинч океани оролларида, у ердаги йирик шаҳарлар бундан мустасно) қараб уларнинг даражаси пасайиб боради [13.15].

Ҳамдўстлик давлатларида ҳам тишлар кариесининг тарқалганлиги бир текисда эмас. Аниқланганки, шаҳар аҳолисининг тишлари кариесини тарқалганлиги ва интенсивлиги кўрсаткичлари қишлоқ аҳолисига нисбатан анча юқоридир. Тадқиқотлар пайтида ичимлик сувини сунъий фторлаш йўли билан ўтказилган профилактик тадбирларнинг эффективлиги кўрсатиб берилган [14.16].

Парадонт касалликлари тишлар кариеси сингари жуда кенг тарқалган бўлиб, ЖССТ маълумотларига кўра дунёнинг 95% катта ёшдаги аҳолиси парадонт касалликларининг у ёки бу белгиларига эга. Барча парадонт касалликларининг 90-95% ини гингвит ва парадонтит ташкил этади [17.19].

Мазкур патологиянинг дунёнинг турли мамлакатларида яшовчи катта ёшдаги аҳоли ўртасида тарқалганлигини характерловчи кенг эпидемиологик материал қатор тадқиқотчилар мақолаларида келтирилган. Улар томонидан олинган маълумотлар гувоҳлик берадики, дунёнинг турли минтақаларида мазкур касалликлар билан касалланиш даражаси турличадир.

Маълумотларга кўра [21.23] парадонт касалликлари кариесдан фарқли ўлароқ эркакларда кўпроқ қайд қилинади. Парадонт касалликларининг эпидемиологик ўрганишнинг аҳамияти нафақат мазкур касалликларнинг аҳоли ўртасида у ёки бу шикастланиш даражасини аниқлаб бериш билан балки мазур кўрсаткичлар асосида тегишли кўринишда Стоматологик ёрдамни белгилаб бериш билан ҳам аҳамияти белгилаб берилади.

Тиш-жағ тизимидаги функционал бузилишларни ўрганишдаги эпидемиологик тадқиқотларнинг муҳимлиги қатор муаллифларнинг тадқиқотларида баён этилади [16.18.20].

Сўнги йилларда саноатнинг турли соҳаларидаги ишчиларнинг стоматологик касалликлари билан касалланиш хусусиятларининг ўрганиш анча кенг миқёсда ўрганилиб, бунда уларнинг юқори даражаси қайд этилади [22.24].

Шундан келиб чиққан ҳолатда, қишлоқ шароитида доимий яшовчи фертил ёшидаги аёллар (19-49 ёш) стоматологик саломатлиги стоматологик кўрик ва респондентлар орасида сўров-интервью усулида стоматологик касалликлар бўйича тиббий билим даражасини аниқлаш бўйича ўрганилди.

Тадқиқот объекти:

Боғот тумани - Хоразм вилоятининг жануби-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, Ғарб ва шимолда вилоятнинг Янгиариқ ва Хонқа туманлари билан, Амударё билан, шарқда Хозарасп тумани ва жанубда Туркманистон билан чегарадош Боғот туманида 11та қишлоқ фуқаролар йиғини Бешариқ, Боғот, Дехқонбозор, Маданият, Найман, Хитой, Хўжалик, Қизилравот, Қипчоқ, Қораёнтоқ, Кулонқорабоғ бор, маркази Боғот шаҳарчаси майдони 443 км², аҳолиси 172573 киши, шулардан болалар 0-14 ёшдагилар 51056 та, 15-17 ёшдагилар 8017 та, аёллар 87051та кишидан иборат. Ушбу аёлларнинг 45882 та нафари текшириш мобайнида фертил ёшидаги аёллар бўлиб, бу барча аёлларнинг 52.%ини ташкил этди. Туман типик қишлоқ тумани бўлиб, аграр соҳага мослашган. Тадқиқотлар Боғот тумани Бешариқ қишлоғига қарашли Нурафшон ва Ашхобод маҳалла фуқаролар йиғинларига қарашли қишлоқларида доимий яшовчи фертил ёшдаги аёллар орасида ўтказилди.

Клиник материаллар таснифи:

Барча ўрганилган фертил ёшдаги аёллар (19-49 ёш) типик қишлоқ туманлари бўлган Боғот ва Янгибозор туманларида доимий яшаётган аёллар бўлишди (асосий гуруҳ), Урганч шаҳрида доимий истиқомат қилувчи аёллар таққослаш мақсаида ўрганилди (киёслаш гуруҳи). Жами Боғот туманидан 986 нафар, Янгибозор туманидан 933 нафар, Урганч шаҳридан 855 нафар репродуктив ёшдаги аёллар ўрганилди, шунга мос равишда қишлоқ аҳолиси 1919 нафарни (69,18±0,88%) шаҳар аҳолиси 855 нафарни (30,82±0,88%) ташкил қилди. Туманлар ва шаҳардан олинган текширилувчилар сони бир-бирига яқин бўлиб, натижалар репрезентативлиги кўрсатиб берилди. Ўрганилган аёлларнинг ёш бўйича тақсимланиши жадвалда келтирилди.

1 - жадвал

Ўрганилган фертил ёшдаги аёлларнинг ёш бўйича тақсимланиши кўрсаткичлари

Ҳудудлар	19-28 ёш	29-38 ёш	39-49 ёш	Жами
Боғот тумани	$\frac{248}{25,15 \pm 1,38}$	$\frac{338}{34,28 \pm 1,51}$	$\frac{400}{40,57 \pm 1,56}$	$\frac{986}{100,0}$
Янгибозор тумани	$\frac{310}{33,23 \pm 1,54}$	$\frac{298}{31,94 \pm 1,53}$	$\frac{325}{34,83 \pm 1,56}$	$\frac{933}{100,0}$
Урганч шаҳри	$\frac{268}{31,35 \pm 1,59}$	$\frac{276}{32,28 \pm 1,60}$	$\frac{311}{36,37 \pm 1,64}$	$\frac{855}{100,0}$
Жами	826	912	1036	2774

Эслатма: суратда мутлоқ, маҳражда нисбий (%) сонлар келтирилган

Олинган натижалар ўрганилган фертил ёшдаги аёлларнинг ёш гуруҳлари бўйича амалий жиҳатдан бир хилда тақсимланганини кўрсатди. Бу айниқса Янгибозор тумани ва Урганч шаҳри бўйича яққол кўриниб турибди. Боғот туманида 19-28 ёшли аёлларнинг 39-49 ёшли аёллар ҳисобига нисбатан камайгани кузатилди, аммо бу ҳақиқий натижа бўлмай, тасодифий танланиш ҳосиласидир. Бу аниқланган натижа катта бўлмай рақамлар талқини ва таҳлили натижалари бўйича ҳаққоний натижалар олиш учун тўсқинлик қилмади.

Стоматологик саломатликни аниқлашда аёллар ёши билан биргаликда уларнинг бугунги кунда банд бўлган касби бўйича ҳам тақсимлаб, ўрганиш муҳим. Шу сабабли уларни касби бўйича тақсимлаш натижалари жадвалда келтирилган.

Келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, касб бўйича тақсимланганда рақамлар бир-бирига яқин бўлиб, қишлоқ туманлари ҳамда вилоят маркази бўлган Урганч шаҳри орасида катта тафовутлар аниқланмади. Бу эса умумий республика бўйича миллатга хос минталитет бўлиб, ушбу касб вакилларининг стоматологик саломатлигига таъсир қилувчи ташқи хавф амиллари аниқланмади. Шунингдек, ўтказилган тадқиқотларда ҳам касбга доир ўзига хосликлар бўлмаганлиги сабабли биз фақат факт сифатида ушбу мутлоқ сонларнигина



келтириб, фоизларни келтиришни лозим топмадик. Аммо, барибир фертил ёшдаги аёлларда вақтинча ишсизлар ва уй бекалари жуда катта миқдорда учраши эътиборли жиҳат сифатида кўрсатиб ўтилди.

2- жадвал

**Ўрганилган фертил ёшдаги аёлларнинг касби бўйича тавсимланиш кўрсаткичлари
(мутлоқ сонларда)**

Касби	Боғот тумани	Янгибозор тумани	Урганч шаҳри	Жами
Вақтинча ишсиз	607	583	536	1726
Уй бекаси	119	140	75	334
Талаба	88	67	40	195
Ишчи	68	35	59	162
Ўқитувчи	39	61	27	127
Тиқувчи	20	16	69	105
Ҳамшира	16	9	18	43
Тадбиркор	10	4	1	15
Тарбиячи	8	6	14	28
Хизматчи	7	11	16	34
Шифокор	3	1	0	4
Ногирон	1	0	0	1
Жами	986	933	855	2774

Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари, тиш каттик тўқимаси касалликлари ва бошқа стоматологик патологик ҳолатлар шаклланиши ва ривожланишида соматик касалликларнинг ўрни бор. Ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида ўрганилган репродуктив ёшдаги аёлларнинг бошидан ўтказган касалликлари ўрганилди. Бугунги кунда сурункали касаллиги кўзиган, юқумли касалликка чалинган аёллар текшириш гуруҳларидан чиқарилди, шу сабабли ушбу жадвалда бу патологик ҳолатлар келтирилмаган.

3 - жадвал

Ўрганилган фертил ёшдаги аёлларнинг бошидан кечирган турли касалликлари учраш даражаси

Нозологик бирликлар	Боғот тумани n=986	Янгибозор тумани n=933	Урганч шаҳри n=855
ЎРВИ	813	760	765
Анемия	енгил	333	361
	ўртача оғирлик	237	125
Артериал гипертония	214	188	60
Гастрит	185	138	121
Пиелонефрит	137	64	29
Цистит	132	71	29
Колит	116	104	69
Энтерит	109	124	63
Қандли диабет	100	111	70
Ревматизм	110	37	41
Жами	2486	2083	1603

Кўриниб турибдики, Боғот туманида яшовчи ўрганилган аёлларда жами 2486 та патологик ҳолатлар билан касалланиш аниқланган, бу барча текширилган аёлларнинг (n=986) ҳар бирига 2,52 тадан касаллик тўғри келганини кўрсатган. Янгибозор тумани бўйича бу параметр 933 нафар аёлга 2083 та нозологик бирлик кузатилганини кўрсатди, бу ўртача 2,23 та касаллик ҳар бир текширилган аёлга дегани. Урганч шаҳри бўйича ўртача параметр 187 та бўлди, яъни жами ўрганилган 855 нафар аёлларда 1603 та касаллик деганидир. Кўриниб турибдики, қишлоқ туманиларида истиқомат қилувчи фертил ёшдаги аёлларда нозологик бирликлар учраш

даражаси шаҳарда яшовчи шу категорияга мансуб шахсларга нисбатан кўп эканлиги аниқланди – мос равишда 2,52 ва 2,23 мартага қарши 1,87 марта. Аммо, бу ҳолат ҳам аёллар стоматологик саломатлигига хавф соладиган ҳолатлар эмас, чунки ушбу касалликлар тўғридан-тўғри оғиз бўшлиғи ҳолатига салбий таъсир этмайди. Аммо ушбу аёллар ҳолатини кўрсатувчи факт сифатида талқин этилди [24.26.28.31].

Репродуктив ёшдаги аёлларни тиббий тадқиқотларга жалб қилиш Жаҳон Тиббиёт Ассамблеясининг Хельсинки Декларацияси (Хельсинки 1964, охириги тўлдириш Сеул, 1987) асосида амалга оширилган.

Хулоса

Ушбу келтирилган маълумотлар тадқиқотларга жалб қилинган фертил ёшидаги (19-49 ёш) аёлларнинг сони, турар жойи, ёши, касби, бошидан кечирган касалликлари тўғрисида ахборот беради, кишлоқ туманларида ва шаҳар шароитида яшовчи аёллар орасидаги тафовутлар катта эмаслигини кўрсатади. Клиник материални ўрганиш жараёнида барча тадқиқотларнинг рандомизацияланганлигига, гуруҳларнинг бир-бирига репрезентатив эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Бу ўз навбатида олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги ва қилинган хулосаларнинг асосланган эканлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Олимов С.Ш., Гаффаров С.А., Ахмадалиев Н.Н., Ахмедов А.Б. Влияние экологических факторов на состояние тканей пародонта у школьников. // Журнал «Экология и развитие общества» Санкт-Петербург 2014;182-184.
2. Олимов С.Ш. Значение метоболических показателей слюны в развитии зубочелюстных аномалий у детей с метоболическим синдромом. // “Стоматологик касалликларни даволашда ва профилактикасидаги долзарб муаммолар” илмий амалий конференцияси Бухоро 2016;33.
3. Олимов С.Ш., Бадриддинов Б.Б., Тожиев Ф.И. О гистологическом статусе протезного ложа у больных сахарным диабетом. // 88-я всероссийская научно-практическая конференция студентов и молодых ученых Казань. 2014;375.
4. Олимов С.Ш., Бадриддинов Б.Б. Улучшение лечения среднего кариеса постоянных моляров у детей. // 89-я всероссийская научно-практическая конференция студентов и молодых ученых Казань. 2015;410.
5. Олимов С.Ш., Бадриддинов Б.Б. Роль нормальной микрофлоры в развитии болезней пародонта у детей. // 89-я всероссийская научно-практическая конференция студентов и молодых ученых Казань. 2015;411.
6. Олимов С.Ш., Microbial spectrum and local state of resistance Oral cavity of workers gas processing plantce. // “Стоматологик касалликларни даволашда ва профилактикасидаги долзарб муаммолар” илмий амалий конференция Бухоро 2016;34.
7. Олимов С.Ш., Бадриддинов Б.Б. Ўткир герпетик стоматит билан касалланган болаларда галавит препаратини қўллаш. // II Талабалар, магистрлар ва клиник ординаторлар халқаро илмий-амалий анжумани Бухоро 2016;8-19.
8. Олимов С.Ш., Гаффаров С.А., Фазилова Г.Ф., Касимова Г.В., Анатомио-гистологическое строение тканей пародонта и его физиологические особенности. // Ўқув услубий қўлланма. Тошкент 2008;18.
9. Олимов С.Ш., Гаффаров С.А., Абдримов И.С., Маматкулов Х.А., Современные композитные пломбировочные материалы химического и светового отверждения. Бондинговые системы. // Методическая рекомендация. Тошкент 2011;32.
10. Олимов С.Ш., Гаффаров С.А., Отабоев Ш.Т. Экологик барқарорлик, стоматология ва инсон саломатлиги. // Ўқув Қўлланма Тошкент 2014;330.
11. Олимов С.Ш., С.А.Гаффаров., Н.Н. Ахмадалиев. Взаимосвязь между аномалиями зубочелюстной системы и соматических заболеваний у детей. // «Назарий ва клиник тиббиёт журнали» Тошкент 2016;2:74-77.
12. Олимов С.Ш., Immune disorders of dentoalveolar anomalies in schoolchildren. // British Journal of advances in medicine and medical research Лондон 2019; 30(3):1-5.
13. Олимов С.Ш., Saidov A.A. Gafforov S.A. Akhmadaliev N.N., Assessment of hepatobiliary system with dentoalveolar anomalies in schoolchildren. // International journal of research volume 06 issue 03 576-583 March. 2019 USA.

14. Олимов С.Ш., Saidov A.A, Gafforov S.A, Akhmadaliev N.N. Бухоро вилояти мактаб ўқувчиларида аралаш сўлакнинг элемент таркиби тавсифи. // Journal of biomedicine and practice №4 Тошкент 2019;4:64-70.
15. Олимов С.Ш., Гаффаров С.А. Болаларда тиш-жағ тизими нуқсонлари ва соматик касалликлар орасида боғлиқликнинг илмий асослари. (адабиётлар шарҳи). // Журнал. Stomatologiya. 2019;1:60-65.
16. Олимов С.Ш., Саидов А.А., Гаффаров С.А. Ахмадалиев Н.Н. Значение матричных металлопротеаз при патологии височно-нижнечелюстного сустава у детей. // Мед. Журнал Узбекистана 2019;3:32-35.
17. Олимов С.Ш., Саидов А.А. Гаффаров С.А., Оценка некоторых показателей ротовой жидкости у детей с патологией височно-нижнечелюстного сустава. // Вестник ТМА 4-2019;4:119-122.
18. Олимов С.Ш., Саидов А.А., Гаффаров С.А. Оценка маркеров соединительной ткани в развитии патологии височно-нижнечелюстного сустава у детей. // MEDICUS Международный медицинский журнал, 2019;3(27):44-46.
19. Олимов С.Ш., Саидов А.А., Гаффаров С.А. Кичик мактаб ёшидаги болаларда тиш-жағ аномалияларининг тарқалганлик даражаси (ретроспектив маълумотлар). // Журнал Тиббиётда янги кун. Бухара 2019;2(26):286-288.
20. Олимов С.Ш., Саидов А.А., Гаффаров С.А. Мактаб болаларида аралаш сўлак элемент таркибининг ўзига хослиги. // Журнал Тиббиётда янги кун. Бухара 2019;2(26):133-136.
21. Олимов С.Ш., Саидов А.А., Гаффаров С.А., Хожиметов А.А. Мактаб ёшдаги болаларда гепатобилиар тизимнинг тиш-жағ нуқсонлари патогенезидаги ахамияти // Журнал Доктор ахборотномаси №2 Самарканд 2019;2:35-39.
22. Олимов С.Ш., Саидов А.А., Гаффаров С.А. Тиш-жағ тизими аномалиялари патогенезида цитокинларнинг роли. // Журнал. Stomatologiya №2- Тошкент 2019;2:39-41.
23. Олимов С.Ш., Саидов А.А., Гаффаров С.А. Болаларда матрикли металлопротеазаларнинг чакка-пастки жағ бўғими касалликлари патогенезидаги ахамияти. // Журнал. Stomatologiya. №2-Тошкент 2019;2:48-50.
24. Олимов С.Ш. Метаболический гомеостаз у детей с зубочелюстными деформациями. // Ўқув-услубий кўлланма. ЎЗР ССВ томонидан 13.11.08 тасдиқланган. Ташкент – 2019;24.
25. Олимов С.Ш. Гаффаров С.А., Саидов А.А., Бадриддинов Б.Б. Особенности элементного состава смещенной слюны у детей с зубочелюстными аномалиями. // VI – го международного конгресса стоматологов Казахстана «Образование, наука и практика стоматологии XXI веке». 2019;11.
26. Олимов С.Ш., Гаффаров С.А., Саидов А.А. Оценка маркеров соединительной ткани в развитии патологии височно-нижнечелюстного сустава у детей. // VI – го международного конгресса стоматологов Казахстана «Образование, наука и практика стоматологии XXI веке» 2019;9.
27. Олимов С.Ш., Гаффаров С.А. Особенности элементного состава смещенной слюны у детей школьного возраста с зубочелюстными аномалиями. // III - международный конгресс стоматологов «Актуальные проблемы стоматологии и челюстно-лицевой хирургии» г. Ташкент 2019;11.
28. Олимов С.Ш., Саидмуродова Ж.Б., Облокулов А.Т. Интенсивность и распространенность кариозного процесса детей раннем сменном прикусе. // Актуальные проблемы фундаментальной, клинической медицины и возможности дистанционного обучения. Самарканд 2020;22.
29. Олимов С.Ш. Оценка эффективности профилактических мероприятий при ортодонтическом лечении детей с зубочелюстными деформациями. // Ўқув-услубий кўлланма. ЎЗР ССВ томонидан 13.11.08 тасдиқланган. Ташкент – 2019;21.
30. Олимов С.Ш. Энзимотерапия в комплексном лечении и профилактике зубочелюстных деформаций у детей. // Ўқув-услубий кўлланма. ЎЗР ССВ томонидан 13.11.08 тасдиқланган. Ташкент – 2019;19.
31. Олимов С.Ш., Гаффаров С.А., Якубов Р.К., Саидов А.А., Бадриддинов Б.Б. Prevalence of dentoalveolar anomalies in 6-16 years children according to retrospective data analysis. // International Journal of Psychosocial Rehabilitation, (2020;24(9):403-410. ISSN: 1475-7192.

Қабул қилинган сана 10.09.2023